Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарама аёллар, қадрли опа-сингиллар!

Buyuk kelajagimiz bugundan boshlanadi

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz

2019-YIL 7-MART, PAYSHANBA, 9 (799)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Аёлга бахт беринг, саодат беринг...

Аёл – Яратганнинг мўъжизаси! У, аввало, мўътабар она, меҳрибон опа-сингил, суюкли ёр. Аёлга нисбатан айтилган дунёдаги ҳар қандай чиройли таърифу тавсиф унинг бор нафосатию фазилатини, гўзаллигию назокатини тасвирлаб беролмайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан "Аёлга бахт беринг, саодат беринг" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид мамлакатимизда ижод қилаётган барча опа-сингилларни байрам билан табриклаб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. "Ҳозирги кунда ижод қилаётган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши, аёл ижодкорларнинг турли Давлат мукофотлари билан тақдирланиши бунинг яққол исботидир", – деди уюшма раиси.

Бундай эътиборга жавобан ижодкор опа-сингилларимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб, юртимиз маънавий-маърифий юксалишида муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Самимий гурунгу дил изҳорлари мушоирага уланди.

ЎзА

Муносабат

Унутилмас ташриф ташаббускорликка, шижоаткорликка ундайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ўтган ҳафтада Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Қайд этиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2-3 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби тармоқларни изчил ривожлантириш, уй-жойлар барпо этиш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2018 йил 2 июлдаги "Наманган вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва топшириғи асосида Наманган шаҳрида 6 та кичик саноат зонаси иш бошлади. Ҳозирда тадбиркорлар ташаббуси билан кичик саноат зоналарида умумий қиймати 1 триллион 229 миллиард сўмликдан ортиқ 211 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Учрашувларда Наманган халқининг уддабуронлиги, тадбиркорлиги билан ажралиб туриши, кейинги йилларда ёш тадбиркорлар креатив ғоялари билан янада танилаётгани ҳам тилга олинди.

Мамлакатимиз раҳбари бу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, вилоятда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 1 триллион сўм ажратилишини маълум қилди. Бу маблағлар ҳисобига вилоятда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг янгича тизими жорий этилади.

Президентимиз ташрифи вилоятда фаолият юритаётган электоратимиз вакиллари – тадбиркорларни ҳам ниҳоятда руҳлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари кўздан кечирган кўпгина йирик лойиҳалар айнан хусусий сектор томонидан амалга оширилаётгани эътиборга молик. Ишбилармонлар юртбошимизнинг иқтисодиётимиз рақобатбардошлилигини ошириш, илғор технологиялар воситасида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бошқа муҳим фикрларини дастуриламал сифатида қабул қилдилар. Ташриф мобайнида Президентимиз бир неча хусусий корхона фаолияти билан яқиндан танишди. Қуйида ана шундай корхоналарнинг раҳбарлари фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

2

УШБУ СОНДА:

ЕРНИ ШУДГОРЛАМАЙ ЭКИН ЭКИШ МУМКИНМИ? 2

МУЛОҚОТЛАР, МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР 3

8 МАРТГА ТА ВЕЛОСИПЕД 4

ДИПЛОМ БОР, ИШ ЎРНИ ҲАМ, ФАҚАТ... 5

"САМАРҚАНДНИ БИЛМАБСИЗ, ДУНЁГА КЕЛМАБСИЗ" 6

...ҳар бир сайловчи мен учун қадрдон, ўзимнинг жондай жигаримга айланган, уларни қийнаётган ташвишлар менинг ҳам ташвишим эканлигини ҳар лаҳза ҳис қилиб яшайман. Бу борада давлатимиз раҳбарининг ҳудудларда, яқиндагина Наманган вилоятига ташрифлари чоғида аҳоли билан ўтказаётган самимий, жонли мулоқотлари бизлар учун ўзига хос ибрат мактаби бўляпти

– Ўзбекистонда ўқиш муддати 4 йил, Қирғизистонда эса 3,5 йил. Бир йил кам, деган хулоса қаердан келди, 55 фоиз тафовут қаердан келди, тушунмадим, – дейди Умида. – Ахир мен бевосита қирғиз тилида фаолият олиб борадиган мактабларнинг бошланғич таълим методикаси бўйича мутахассисликка ўқиганман-ку!

Қишлоқ хўжалиги

Ерни шудгорламай экин экиш мумкинми?

Қаршида "Қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда қурғоқчиликка чидамли экинлар уруғчилигини ташкил қилиш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Семинар БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг "Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ҳамда шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Унда тегишли соҳалар мутахассислари, вилоятдаги қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилотлар вакиллари, фермерлар ва деҳқонлар иштирок этди.

Иштирокчиларга уруғчилик ва қишлоқ хўжалиги экинлари навларини рўйхатга олиш бўйича амалдаги миллий қонунчилик ва халқаро нормативлар бўйича умумий маълумот тақдим этилди. Жумладан, Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция ва унинг салоҳиятини ошириш воситалари ҳамда уруғчилик компанияларини ташкил этишда кредитдан фойдаланиш ҳақида ахборот берилди. Деҳқончиликнинг тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи бир қанча исботланган устун жиҳатлари бўлиб, у бугунги кунда Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда кенг қўлланилмоқда.

– Тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи деҳқончилик ердан фойдаланишнинг биз яшаб турган замонда кашф қилинган истиқболли кўринишларидан биридир, – дейди БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг қурғоқчилик бўйича эксперти Азиз Нурбеков. – Уни алоҳида технология эмас, ёндашув деб атаган маъқул. Чунки у турли-туман ва ўзгариб бораётган агротехника усулларидан ташкил топган бўлиб, асосий мақсади тупроққа ишлов бериб безовта қилишни, ундан нам қочишини ва озуқа моддалар йўқолишини камайтиришдан иборат. Бу тупроқ табиий шароитда бажарадиган бир қатор экология функцияларини сақлаб қолишда ёрдам беради. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи деҳқончилик ерга минимал ишлов беришдан, уни кам шудгорлаш, тупроқни умуман безовта қилмасликка (экинни тўғридан-тўғри ерни ҳайдамай экин экиш) бўлган йўлни босиб ўтди. Ушбу технология ерни ҳайдашга ҳожат қолдирмайди. Ерни ҳайдамаслик тупроқнинг юқори қатламида органик ўғитлар моддаларини сақлаб қолиб, улар шамол ёки сув таъсирида емирилишининг олдини олади. Алмашлаб экиш экинларини тўғри танлаш тупроқни ҳимоялаш концепциясининг асосий унсури ҳисобланади.

Семинарда мамлакатимизда тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги амалиётининг умумий ҳолати, истиқболлари хусусида фикр алмашилди. Масалан, тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи деҳқончилик технологияси ерни ҳайдашга ҳожат қолдирмайди. Ер ҳайдалмай экин экилган даладаги рентабеллик маблағ тежалгани ҳисобига икки карра юқори бўлади. Кейинги йилларда ҳосилдорлик ошиши билан бирга, рентабеллик ҳам ўсиб боради.

Томчилатиб суғоришнинг афзалликлари, уруғчилик секторини ривожлантириш, ўсимликлар қолдиқлари билан ишлаш, бегона ўтларга ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишнинг самарали усуллари хусусида ҳам маълумот бериб ўтилди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎзА мухбири

Унутилмас ташриф ташаббускорликка, шижоаткорликка ундайди

Бошланиши 1-саҳифада.

Зафар РАҲИМОВ,
"Ft textile group" масъулияти чекланган жамият раҳбари, O'zLiDeP аъзоси:

– Давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳар бир ҳудуднинг имкониятларини ишга солиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинаётган тизимли ишлар туфайли тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Тўрақўрғон туманида ўтган йили барпо этилган "Ft textile group" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонамиз ҳам ана шундай оқилона сиёсат маҳсули, десак янглишмаймиз.

"Шаҳанд" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган корхонамиз биноси бир пайтлар қаровсиз, абгор ҳолатда эди. 2018 йили капитал таъмирлаб, Германия, Бельгия, Швейцария, Ҳиндистон ва Туркиядан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатдик. Корхона яқинидаги Боғишамол, Дукат, Темирқишлоқ, Олчин, Ахси маҳаллаларида яшовчи 300 кишини доимий иш билан таъминладик. Йилига 15,6 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариб, маҳсулотларимизни Хитой, Россия, Туркия ва Украинага экспорт қилаяпмиз. Йиллик экспорт ҳажми 10,2 миллион долларни ташкил этмоқда.

Германиядан газогенератор олиб келиб, ишга туширганимиз туфайли корхонамиз электр энергияси билан ўзини-ўзи тўлиқ таъминлаяпти. Иш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ҳам исроф қилинмайди, 9 гектарлик иссиқхонани етарлича ҳарорат билан таъминлайди.

Фаолиятимизни янада кенгайтириш, 200 та янги иш ўрни яратишни режалаштирямиз. Яқин истиқболда 20,8 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариб, экспорт ҳажмини 25,2 миллион долларга етказмоқчимиз.

Давлатимиз раҳбарининг корхонамизга ташрифидан ниҳоятда мамнун бўлдик. Президентимиз корхона фаолияти билан яқиндан танишди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш юзасидан аниқ йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берди.

Олимжон БОБОХОНОВ,
Наманган шаҳридаги "Art Soft Tex Group" хусусий корхонаси раҳбари, O'zLiDeP аъзоси:

– Корхонамизда турли бичим ва рангдаги сочиқ, халат, чойшаб ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Улар ички бозорга, шунингдек, Россия, Украина, Молдова, Болгария ҳамда қўшни давлатларга етказиб берилмоқда. Ўтган йили 290 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 9,4 миллион доллар миқдорида экспорт қилинди.

Наманган шаҳри, Риштон ва Янгиқўрғон туманларида ҳам корхонамиз тасарруфидаги бир неча цех бор. Уларда 2 мингдан зиёд киши ишлайди. Яқинда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуаси фаолиятини йўлга қўямиз. Бу ерда яна минг киши иш билан таъминланади.

Фаолиятимиз узлуксиз кенгайиб боряпти. Кластер усулида ишлашга ўтмоқчимиз. Бунинг учун ҳамма нарса тахт. Корхонамиз учун Мингбулоқ ва Поп туманларидан ер ажратилган, қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган.

Давлатимиз раҳбари корхонамизга ташрифи чоғида режаларимиз билан қизикди. Пахта тозалаш, уруғ етиштириш, дон маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларининг ишга туширилиши, иссиқхона ташкил этиш, чорва боқиш, ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини маъқуллади. Кластер услубида иш юритиш бўйича қимматли маслаҳатларини берди.

Президентимиз эътибори бизга куч-ғайрат, шижоат бағишлади. Ўз олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш учун янада қатъият билан киришдик. Бизга билдирилган ишончни оқлаш учун бутун салоҳиятимизни сафарбар қиламиз.

Ўз мухбиримиз
ЎзА суратлари

Тадбиркорлик

Митти иссиқхона – 30 миллион сўм даромад

Когон туманидаги "Нурафшон" МФЙда 3 минг 454 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада томорқадан унумли фойдаланиб, оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бирга, эл дастурхони тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган омилкорлар кўп.

Шу маҳаллада яшовчи Ш.Адизов ҳам ўз томорқасида мўъжазгина иссиқхона ташкил этиб, помидор, сабзавот ва кўкат етиштиришни йўлга қўйган. Иссиқхона ҳосилидан ҳар мавсумда оила бюджетига қарийб 30 миллиондан зиёд даромад келиб туради.

–Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишимизда O'zLiDeP фаолларининг хизматлари катта, – дейди ишбилармон юртдошимиз. – Чунки партия вакиллари бизникига келиб, бизнесни йўлга қўйиш бўйича йўл-йўриқ беришганидан сўнг иссиқхона ташкил этгандик. Шу кунларда помидор, бодринг ва бошқа уруғлар экиб, мўл ҳосил етиштиряпмиз.

Таъкидлаш керакки, энг чекка ҳудудларгача кириб бораётган "O'zLiDeP бошланғич партия ташкилотлари ўз томорқасида фаолиятини бошлаганларга кўмакдош" лойиҳаси ҳудудда тадбиркорлар сафини янада кенгайтиришда анча қулайлик яратмоқда. Лойиҳа доирасида партия фаоллари тумандаги 20 хонадонда бўлиб, аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш бўйича зарур тавсиялар, амалий кўмак беришди.

O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши ходими Шамшод Жафаровнинг таъкидлашича, ишчи гуруҳ аъзолари оилаларга кирганларида фақат муаммолар ёки камчиликни қайд этибгина қолмасдан, балки аҳолидан тушаётган таклиф ва ташаббусларни ҳам таҳлил қилишяпти.

Хуллас, бугун маҳаллада бўш одамнинг ўзи йўқ. Кимдир мевали дарахт кўчатлари парвариши билан машғул бўлса, яна кимдир бир парча томорқасида турли хил юмушлар билан банд.

O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Неча ёшда турмуш қурган маъқул?

Оилалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият шу қадар фаровон ва барқарор бўлади. Жамият, оила ва шахс бир-бирисиз мукаммал, бахтиёр бўла олмаслиги ҳаётий ҳақиқат. Шу маънода оиланинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, мустаҳкамлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан Сирдарё туманида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, туман ФҲДЁ бўлими билан ҳамкорликда "Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари" мавзусида ташкил этилган очиқ мулоқотда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда мамлакатимизда оилаларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турмуш қураётган ёшларнинг фарзандлар тарбияси борасидаги қўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шунингдек, эрта никоҳ оқибатида ажримларнинг сони кўпаяётгани ёшларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётгани хусусида фикр-мулоҳаза билдирилди.

Йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Афсуски, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи бегона бўлмасин деб ўғил уйлантириш тараддудига тушади. Аммо бу кўп ҳолларда бўлғуси онанинг руҳиятига, қолаверса, туғилажак фарзанднинг соғломлигига ва ёш оиланинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатади.

– Маълумотларга кўра, 15-18 ёшда турмуш қурганларнинг оилавий ҳаёти бор-йўғи икки-уч йилгача давом этар экан, – деди O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгашининг аёллар билан ишлаш бўлими мудири Сабоҳат Бобоева. – Бу эса нафақат ота-оналарни, балки кенг жамоатчиликни ҳушёрликка чорлайди. Олимларнинг фикрича, қизлар учун энг мақбул турмуш қуриш ёши 22-25 бўлиб, ўғил болалар учун эса 24-30 ёш саналади.

Мутахассислар томонидан қизларнинг 16-18 ёшларда она бўлиши жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланган. Кўп ҳолларда бундай ёшдаги қизларнинг фарзандни дунёга келтиришида турли муаммолар келиб чиқади. Қизларнинг жисмонан ва руҳан оналикка тайёр бўлмасдан оила қуриши кўпинча туғруқ жараёнида ўлим хавфи ортишига сабаб бўлади. Бинобарин, эрта ҳомиладорлик ёш она ҳамда бўлажак фарзанд учун ҳар томонлама хавфлидир.

Соғлом фарзанд соғлом онадан дунёга келади. Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни рағбатлантиришдек эзгу ишлар замирида, аввало, баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Ҳусан ЖАББОРОВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими мудири

Мулоқотлар, муаммолар, ечимлар

Шиддаткор замон ҳар бир мутасаддидан халқ ташвиши билан яшаш, аҳоли қатламларининг мавжуд муаммоларига оқилона ечим топиш, оддий одамларга яқин бўлишни талаб қилмоқда. Модомики, бугун қаерга қараманг, турли даражадаги мансабдорлар ҳам, электорат мандатини олган ноиблар ҳам жойларда учрашувлар ўтказаётганининг боиси шунда. Қатъий талабга муносиб фаолият кўрсатиш, билдирилган ишончни оқлаш осон эмас-да.

Парламент депутатларининг сайловчилар билан анъанавий учрашувлари ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан яхшиланаётгани, суҳбатлар мавзуси ранг-баранглиги эътиборга молик. Вакиллик органларига сайловлар йилидаги галдаги мулоқотлар, аввало, сайлов тизимидаги ўзгаришларни одамларга етказиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Хоразм, Жиззах, Фарғона ва Андижон вилоятлари мисолидаги фикрларимиз, келтирган далилларимиз орқали депутатлар фаолиятининг нақадар самарадорлигига у ёки бу тарзда баҳо бериш ўқувчининг ҳукмига ҳавола.

“Дардимизни Клара опага айтамиз-да”

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова сайловчилар билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли мурожаатларини тинглаш ва уларни имкон қадар жойида ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида Урганч туманидаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, шунингдек, “Ёшлик”, “Гулзор”, “Шоликорлар”, “Мустақиллик”, “Қоравулқишлоқ” маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Хоразм вилоят Кенгаши мутасаддилари билан биргаликда ташкил этилган тадбирлар амалий натижаларга бойлиги билан ёдда қолди. Халқ орасидаги фаол депутат дастлаб 9-сон мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишиш асосида бу ерда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутди. Мисол учун, Зилола Собирова ҳамшира хонасида бирламчи жиҳозлар етишмаслиги хусусида гап очган бўлса, бошқалар тарбиячиларнинг ҳар олти ойда тиббий кўрикдан ўтиш тартибини йиллик қилиб ўзгартириш юзасидан ўз таклифларини баён этишди. Зеро, бу жараёнга ходимларнинг қимматли вақтидан ташқари муайян маблағ сарфланаётир.

“Шоликорлар” маҳалласида яшовчи Феруза Бўронова оиланинг боқувчиси йўқлигини маълум қилиб, 5 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, кўп йиллардан бери уйининг томини шифер билан ёпишга маблағ топишга қийналаётганлигини айтди. Ушбу муаммога жонкуяр вакиламизнинг астойдил саъй-ҳаракатлари ва партиямизга аъзо тадбиркор Ж. Матниязовнинг ҳомийлигида ечим топилди.

Икром Матсабуров эса депутатдан деҳқончилик билан шуғулланиши учун 1000 метр квадрат томорқа ер ажратилишида кўмаклашишни сўради. Унинг мурожаати ҳам жойида ҳал қилинди. “Шоликорлар” МФЙ раиси Мақсуд Дўсчанов ҳудудда фойдаланилмай турган ерни И. Матсабуровга тез кунларда расмийлаштириб берадиган бўлди.

Мустақиллик кўчасида истиқомат қилувчи Илҳом Абдураҳмонов икки нафар қизи борлиги, уларни қизиқишларига кўра иш билан таъминлаш мақсадида уйининг ёнидаги ташландиқ ерда новвойхона ва тикувчилик цехи қуриш орқали тадбиркорликни бошлаш ниятида эканини таъкидлади. Мазкур масала юзасидан Урганч туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Зафарбек Ҳакимовга ер ажратиш ишларини жадаллаштириш юзасидан депутатлик сўрови юборилди.

Урганч шаҳрининг 6-даҳасидаги 9 қаватли 18-уйда яшовчи Рўза Машарипова анчадан бери лифт ишламаётганлиги сабабли жуда қийналаётганидан шикоят қилди. Муаммони жойида ўрганган депутат уни қисқа муддатда бартараф этиш чораларини кўришга ваъда берди.

– Вилоят болалар шифохонасида биохимия лабораториясига қон таҳлили топшириш учун шифокорлар томонидан 35 минг сўм тўлов талаб қилинмоқда, – деди Урганч шаҳрида яшовчи Мавлуда Атажанова. – Даволаниш учун бундан ташқари яна кўплаб таҳлиллар сўралади. Дори-дармоннинг нархлари ҳаммага маълум. Ҳеч бўлмаганда вилоят шифохонасида ёш болалар учун таҳлилларни бепул қилишнинг иложи йўқми?

Бу борада ҳам фракциямиз аъзоси амалий кўмак беришини билдирди.

O‘zLiDeP Урганч туман Кенгаши аппарат раҳбари Гулистон Адамбаеванинг хабар қилишича, учрашувлар давомида депутат томонидан муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал қилиш чораларини кўриш баробарида фуқароларга мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ишлар, янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти бўйича кенг маълумот берилган.

Мурожаатлар ортида ташвишлар бор

Раваллиқ, Тоқчилик, Яккақайрағоч – Шароф Рашидов туманидаги маҳаллаларнинг айримлари холос. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Холбўтаев ана шундай аҳоли масканларида сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказди.

Тоқчилик маҳалласида яшовчи 152 нафар сайловчи иштирокида кечган юзма-юз мулоқотда дастлаб Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кўтарилган долзарб вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз борди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи доирасида белгилаб берилган вазифалар бўйича амалда бажарилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилди.

Депутат нафақат жойларда учраётган камчиликларни аниқлаш, айни пайтда уларнинг сабабларини таҳлил этиш ва ечимини топиш мақсадида Шароф Рашидов туманидаги 30 дан зиёд оила аъзолари билан учрашиб, ўндан ортиқ муаммони кўриб чиқди. Уларнинг аксарияти уй-жой ва коммунал хизмат, бандлик, соғлиқни сақлаш, савдо ва маиший хизмат, банк-кредит, ичимлик суви таъминоти, транспорт хизмати ва йўл қурилиши билан боғлиқ масалалардир. Муаммоларнинг айримлари жойида, баъзилари “йўл хариталари”га киритилиши билан ечим топди. Қолганлари тегишли вазирлик ва идораларга белгиланган тартибда ҳавола қилинди

Сайловчилар Раваллиқ, Тоқчилик, Яккақайрағоч маҳаллаларидаги ички йўллар таъмирталаблиги, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги ва замонавий поликлиника йўқлиги, мактабларда ўқувчилар кўплиги учун хоналар етишмаслиги, электр ҳисоблаш ускуналарини янгисига алмаштиришда сансалорликлар юзага келаётганлигини айтишди.

Яккақайрағоч маҳалласи раиси Қудрат Фозилов “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури орқали имтиёзли кредитлар ажратишда ҳалигача банкларда кўплаб сунъий тўсиқлар мавжудлиги, кредит олиш тизимини янада соддалаштириш, ихчамлаштириш, чет эллардаги каби суғурта компанияларини кафиллиги, гаров таъминотини жорий этиш кераклигини, Тоқчилик маҳалласи раиси Қурбон Худойбердиев эса Саноат коллежи кўчаси дастурга тушган ва унга 90 млн. сўм маблағ ажратилган бўлса-да, лекин амалда ҳеч қандай иш бошланмаганлигидан арз қилишди.

Саноат касб-ҳунар коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Бахтиёр Тўраев телеканаллардаги ажабтовур сериаллар ва кўнгилочар кўрсатувлар, турфа рекламаларни миллий маданиятга мос тарзда тайёрлаш, тарбиявий аҳамиятга эга ижтимоий роликларни кўпроқ эфирга узатиш зарурлигини айтди. 23-мактабга 2009 йилда берилган компьютерлар ziyonet тармоғига уланмагани, 11-мактаб биносининг ярми иситилмаслиги бўйича ҳам мурожаатлар инобатга олинди.

Шунингдек, Эркин Холбўтаев “Жиззах пластмасса заводи” ишчи-ходимлари билан ҳам очиқ мулоқот ўтказди. Унда сайловчилар томонидан вилоят марказидаги шифохонанинг реанимация бўлими шароитларини яхшилаш, халқ таълими тизимини такомиллаштириш учун нафақадаги фахрийлардан иборат комиссия тузиш зарурлигига эътибор қаратиш кераклиги айтилди.

Самимий, ошкора руҳда ўтган учрашувларда мазкур ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, имтиёзли кредитлар ажратилишининг ҳолати ўрганилди. Шунингдек, халқ ноиби янги иш ўринларининг яратилиши, бандлик муносабатлари, меҳнат бозоридаги аҳвол, пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўланиши каби масалалар билан ҳам яқиндан танишди.

Сайловчи – холис баҳоловчи

Парламент қуйи палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Хўжаева Фурқат туманидаги сайловчилар билан учрашиб, янги қонунлар лойиҳалари, хусусан, айни кунларда қизғин муҳокама қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ҳақида атрофлича тушунтиришлар берди.

Вилоят прокурори С. Турдиев билан биргаликда 100 га яқин фуқарони қабул қилиш жараёнида 24 нафар киши ишга жойлашиш, 7 нафари даволаниш, 23 нафари эса моддий ёрдам ажратиш юзасидан мурожаат қилди. Юзма-юз суҳбатларда аксарият сўровлар мутасадди раҳбарлар иштирокида жойида ижобий ҳал этилди.

Ўрганишлар чоғида туманда олий маълумотли айрим мутахассислар ҳам ишсиз юргани маълум бўлди. Ушбу масала депутат иштирокида ҳар томонлама таҳлил қилинди. Жумладан, Гуласал Мадаминова 7-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тилидан, Муҳайёхон Раҳмонова 16-умумий ўрта таълим мактабида информатика фанидан дарс берадиган бўлди.

Тўрғай, Мустақиллик, Чиркай, Болтақўл ҳамда Капа қишлоқларидан газ баллон масаласида мурожаат қилган жами 8 нафар фуқарога шу кунинг ўзида тегишли тартибда ёрдам кўрсатилди. Ишга жойлашишда кўмак сўраган 13 нафар киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишига йўналтирилди.

Депутатнинг учрашувлари хайрли ишларга уланиб кетди. Масалан, Султон қишлоғида яшовчи Турғуной Усмонова ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Чиркай қишлоғилик Наргиза Бегматовага ҳомийлар ёрдамида тикув машинаси совға қилинди. Зиёдахон Жуманова Қўқон шаҳар тери-таносил касалликлари шифохонасида имтиёзли даволаниши учун ордер олди. Биринчи гуруҳ ногирони Бахтиёржон Раҳмонов туман марказий шифохонасига даволаниш учун ётқизилди.

– Менга ишониб овоз берган инсонлар ҳузурига келаётганимда кўнглимнинг бир четида хавотир туради. Нега десангиз, ўтган галги учрашувда кўтарилган масалалар назоратга олиниб, амалий ишлар бошланган бўлса-да, баъзида айрим мутасаддиларнинг лоқайдлиги сабабли яна ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳолатлар ҳам кўп учраган эди. Шунинг учун ҳар бир сайловчи мен учун қадрдон, ўзимнинг жондай жигаримга айланган, уларни қийнаётган ташвишлар менинг ҳам ташвишим эканлигини ҳар лаҳза ҳис қилиб яшайман. Бу борада давлатимиз раҳбарининг ҳудудларда, яқиндагина Наманган вилоятига ташрифлари чоғида аҳоли билан ўтказаётган самимий, жонли мулоқотлари бизлар учун ўзига хос ибрат мактаби бўляпти, десам, янглишмайман, – дейди фракциямиз аъзоси, парламент қўмитаси раиси, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда Хўжаева.

Банклар қачонгача алдайди?

“Раҳим агро ривож” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2018 йилда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича Булоқбоши тумани аҳолисига 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ қийматга эга чорва моллари тарқатилган. Бироқ мазкур ҳайвонларни олган фуқароларга белгиланган тўловни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар масъул банклар томонидан айни кунга қадар ажратилмаяпти. Турли баҳоналар айтилади, холос. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 14-Марҳамат сайлов округидан сайланган Абдуллажон Ҳамрақуловнинг булоқбошиликлар билан учрашувида айни муаммо куюниб айтилди. Депутатнинг фидойилиги билан ушбу масала ечими томон дадил қадам ташланди. Банклар ҳаракатга келганидан ҳамма хурсанд.

Тумандаги 11-умумтаълим мактабида рус тили фанидан давлат стандартлари асосидаги қўлланмалар етишмайди. Бошланғич синфларнинг инглиз тили фани хоналари учун жиҳозлар мавжуд эмас. Мазкур муассасада хорижий тилларга эътибор сустми ёки масъуллар яхши ишламайдиларми? Шу каби саволлар ўртага ташланганида ҳар ким ўзини оқлашга ҳаракат қилди. Депутат мурожаатни ўрганган, ечимни Халқ таълими вазирлигига юборилган депутатлик сўрови жавобига қолдирди.

Яна бир муаммо тиббиёт соҳаси билан боғлиқ. Тумандаги 23-қишлоқ оилавий поликлиникасида биохимик таҳлил бўйича лаборант-ҳамшира йўқ экан. Бу масала билан илгари ҳам туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилинганди. Бироқ шу кунгача жавобсиз қолаверган мурожаат Олий Мажлис депутатини “кутиб” турган экан.

– Депутатимиз кўмаги билан мазкур йўналишда қайта тайёрлов курсида ўқияпман, – дейди ҳудуддаги олий тоифали ҳамшира Ф. Арипова. – Ўқишни тамомлаб, шу оилавий поликлиникада таҳлил бўйича лаборант-ҳамшира вазифасида иш бошлайман.

O‘zLiDeP Булоқбоши туман Кенгаши аппарати раҳбари Мирзоҳид Парпиевнинг таъкидлашича, учрашувлар давомида депутатга тадбиркор ва фермерлар ҳам бир қатор саволлар билан мурожаат этишди. “Эко агроплюс” чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги томонидан 2018 йил охирида Қозоғистондан 1 миллион долларга 300 бош наслдор қорамол олиб келиш бўйича шартнома имзоланган. Халқ банкига кредит олиш учун ҳужжатлар топширилган. Гаров таъминотига ҳам нотурар бинолар кўрсатилган. Кредит 22 фоизга чет эл валютасида берилишига келишилган. Бироқ банк томонидан фермерга ҳалигача белгиланган кредит ажратилмаган. Депутат бу масалага аниқ ечим топиш мақсадида депутатлик сўрови тайёрлади.

Ваъдалар яхши, натижалар эса...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги O‘zLiDeP депутатларининг Бухоро вилоятидаги сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари очиқ мулоқот тарзида давом этмоқда. Хусусан, парламент вакиллигига 28-Ғиждувон сайлов округидан сайланган Шуҳрат Бафоев иштирокида ўтказилган тадбир Бухоро давлат тиббиёт институтига қарашли академик лицейда ана шундай форматда ташкил этилди.

Унда дастлаб “Ёшлар - келажагимиз” Давлат дастурининг ҳудуддаги ижроси, айниқса, ёш авлодни тадбиркорликка кенг жалб этиш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа эканлиги қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу лицейдаги 50 нафар педагог 500 нафарга яқин ўқувчига фан асосларидан пухта билим бермоқда. Академик лицей ўқувчиларидан бири, Ғиждувон туман марказидаги Бобур МФЙда истиқомат қилувчи Жасур Бахшуллаев ўқишни битиргач, иссиқхона ташкил этиш ниятида. Бундай ёшлар мазкур билим масканида оз эмас, албатта.

Адлия, солиқ идоралари, бандликка кўмаклашиш маркази, Ёшлар иттифоқи, Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлимлари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида ўтказилган суҳбатда бошловчи тадбиркорлар, жумладан, аёллар ва ёшларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Синтипон матосидан фойдаланган ҳолда кўрпа ишлаб чиқарувчи мўъжаз корхона фаолиятини ривожлантириш Ғиждувон саноат коллежи битирувчиси Б.Ҳикматовнинг асосий мақсадига айланган. У мулоқот давомида тижорат банкидан 3 млрд. сўм кредит ажратишда ёрдам сўради. Бугунги кунда “Гулистон” МФЙда фаолият кўрсатиб келаётган мазкур тикув цехида 18 кишининг бандлиги таъминланган бўлиб, ёш тадбиркорнинг орзуси амалга ошадиган бўлса, бу кўрсаткич сезиларли равишда кўпаяди.

– 320 миллион сўмлик бизнес-режани тузиб қўйганман, – дейди маҳаллий тадбиркорлардан бири Ф.Мардонов. – Ўз ихтиёримдаги таъмирталаб бинолардан бирини талаб даражасига келтириб, тренажёр зали ташкил этмоқчиман.

Парламентдаги фракциямиз аъзоси Ш. Бафоев, O‘zLiDeP вилоят ҳамда Ғиждувон туман кенгашлари масъул ходимлари, бизнес соҳасининг етук мутахассислари билан юзма-юз мулоқотда бўлган бошқа бир қатор ёш тадбиркорлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам ўз мурожаатлари юзасидан тегишли йўл-йўриқ, аниқ маслаҳат ва жўяли тавсияларни олдилар.

Шунингдек, Ғиждувон тиббиёт бирлашмаси, хусусий клиникалар, туман марказий поликлиникаси, қишлоқ оилавий поликлиникалари, “Ғиждувон пахта тозалаш корхонаси” АЖ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман бўлими, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган учрашувлар ҳам қизиқарли, савол-жавобларга бой бўлди.

O‘zLiDeP вилоятлар Кенгашлари ва газетамизнинг ҳудудий мухбирлари маълумотлари асосида Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Сайёр қабул

Аслида муаммо йўқ жойни топиш мушкул. Унинг ҳал этилиши мутасаддиларга ишонч, келажакка умид уйғотади. O‘zLiDePнинг муаммолар таҳлилига бағишланган тарғибот тадбирларидан асосий мақсади эса мурожаатлар ечимида янада яққол намоён бўлади. Муаммо хоҳ умумийлиги, хоҳ муайян шахсга тааллуқлилигидан қатъи назар, барибир унга ечим топилиши даркор. Энг қизиғи, аниқ бир муаммо ечилгани билан улар тугаб қолмайди. Кейинги масала чиқади ва ҳаёт шу тарзда давом этаверади. Билъакс, муаммонинг охирига ким етибди, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди.

Ҳоким кутубхона фондини бойитди

...Наргиза Умматова Балиқчи туманидаги Ўлмас маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Фарзандлари 25-умумтаълим мактабида таҳсил олади. Ўқув масканида ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар бинойидек. Дарс машғулотлари ҳам замонавий педтехнологиялар асосида олиб борилади. Ота-оналар-да хурсанд. Аммо... оғриқли нуқта ҳам бор эди. Наргиза айни муаммони O‘zLiDeP Балиқчи туман Кенгаши томонидан ташкил этилган сайёр қабулда кўтариб чиқди.

– Фарзандларим дарсликлардан ташқари турли китобларни ўқишга қизиқади, – дейди Н.Умматова. – Бироқ мактаб кутубхонасининг бадиий-илмий захираси жуда оз, фонди ғариб. Туман кутубхонаси олисда жойлашгани боис болаларимизни у ёққа ёлғиз юбора олмаймиз. Модомики, мактаб кутубхонасини янги адабиётлар билан бойитиш орқали мазкур муаммони ечишни истардик.

Бу таклиф туман ҳокими, O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Жасурбек Абдурайимов томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Ҳокимнинг ўзи бош бўлиб қисқа фурсатда мактаб кутубхонаси фондини бойитиш чораларини кўрди.

Сайёр қабулда Гузар маҳалласи аҳлининг дилбандлари учун мактабгача таълим муассасаси зарурлиги тилга олинди. Бир неча километрлик масофадаги, устига-устак автоуловда қатнаб қўшни ҳудуддаги болалар боғчасига фарзандларини берган ота-оналарнинг мурожаати чинданам асосли. Бу масала бугун кўтарилаётгани йўқ аслида. Аввалги ёзма ва оғзаки мурожаатлар жавобсиз қолаверган. Арзимас баҳоналар аҳолини чарчатган. Бироқ кечаги сайёр қабул давомида муаммога ечим ҳам, муассасани қуриш учун ташаббускор ҳам топилди. Тадбиркор Ҳанифа Қодирова туман ҳокимлиги захирасидан ажратилган ер майдонида боғча қуриш ишларини бошлайдиган бўлди.

Булоқбоши туманилик юқоридаги каби жонсарак ота-оналарнинг бир гуруҳи тумандаги 14-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида турли тўгараклар ташкил қилиш таклифини айнан партиянинг сайёр қабулида билдирдилар. Фарзандининг бўш вақтини унумли ташкил этиш, уларнинг спорт билан шуғулланишларига етарли имконият яратиш учун қуюнаётган бундай ота-оналарни кўриб келажак эгаларига эътибор юқорилигидан мамнун бўлади инсон.

– Таклифимиз партия кўмагида амалий ижрога айланганидан хурсандмиз, – дейди Комилжон Ниязов. – Мана, мактабда янги ташкил этилган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, тикувчилик бўйича тўгараклар фарзандларимизга янада шижоат бағишламоқда.

Олимжон ТОЛИПОВ,
O‘zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши ариза ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими мудири

Халқ қабулхоналари

O‘zLiDeP: таклиф биздан, қувватлаш сиздан

хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш бўйича янгича, ўзига хос ҳамкорликка чорлаймиз

Халқ қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланди. Бу ҳақда Президентимизнинг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам алоҳида қайд этилган. Мазкур қабулхоналарнинг ташкил этилиши аҳолини йиллар давомида қийнаб келган муаммоларнинг аниқланишига, уларнинг аксариятини жойида ҳал этилишига замин яратди.

Шу билан бирга, икки йил мобайнида Президент номига 2,5 миллиондан ортиқ мурожаат келиб тушгани, республика ишчи гуруҳлари томонидан хонадонма-хонадон юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш натижасида қўшимча 1,1 миллиондан ортиқ турли муаммолар аниқлангани жойларда ечимини кутаётган масалалар ҳали кўплигини, айримлари ўрта ва қуйи бўғиндаги ташкилотлар даражасида ҳал этилмаётганини кўрсатмоқда.

Ушбу фармонда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бевосита фуқаролар билан ишлашга ўтиши, уларнинг халққа, жумладан тадбиркорлик субъектларига якин кўмакчи бўлиши лозимлиги белгиланган. Жорий йил 1 февралдан Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, муаммоларни уйма-уй юриш орқали ҳам аниқламоқда.

Хўш, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ўртасида энг кўп маслакдошига эга, иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлмиш тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватловчиси, мазкур субъектларнинг ҳимоячиси – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси юқоридаги фармон ижросини таъминлаш учун қандай амалий ишларга бош-қош бўлмоқда? Аҳолининг барча қатламлари, оддий одамлар билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш учун келгусида нималарга эътибор қаратиш керак?

Шу ва шу каби долзарб саволларга O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибият мудири, Экспертлар гуруҳи раҳбари Нуриддин МУРОДОВнинг жавобларини эшитайлик-чи:

– O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан ўтган йилнинг август-сентябрь ойларида ишчи гуруҳлар шакллантирилди ва жойларда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, каби ўта муҳим давлат дастурлари ижросини ўрганиш юзасидан электорат вакиллари ва аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар олиб борилди.

Фикримиз тасдиғи сифатида баъзи рақамларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур жараёнда 24 мингта хонадонга кириб бориб, минглаб аҳоли билан мулоқотга киришди. Жумладан, тадбиркорликни йўлга қўйиш масалаларида қийинчиликка учраган 1 700 нафардан ортиқ фуқарога кўмаклашилди.

Бундан ташқари, “O‘zLiDeP бошланғич ташкилотлари ўз томорқасида тадбиркорлигини бошлаганларга кўмакдош” лойиҳаси доирасида 23 819 та хонадон аҳлига амалий ёрдам кўрсатилди. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларига партиямиздан сайланган депутатларимиз томонидан эса 36 500 дан, 2018 йилда умумий ҳисобда партия ишчи гуруҳи аъзолари 84 мингдан зиёд оилага кириб борган. Мақсад эса, аниқланган муаммолар ва билдирилган мурожаатларга партиявий воситалар орқали имкони борича ижобий ечим топишдир.

Демакки, халқ қабулхоналари ва O‘zLiDeP ҳудудий ташкилотларининг мақсад ва муддаоси бир. Шундай экан, айнан шу асосда халқ қабулхоналари ва партиямиз ташкилотлари аҳоли турмуши фаровонлиги йўлида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ва “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки бундай ҳамкорлик, партиянинг Сурхондарё ва Сирдарё вилоят кенгашлари ҳамда шу вилоятларнинг Халқ қабулхоналари томонидан имзоланган келишувлар асосида йўлга қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад нафақат аҳоли мурожаатларига партиявий воситалар орқали ечим топиш, балки жойларда тадбиркорлар ва фермерларни қийнаётган муаммоларни ҳам бевосита ўрганишдан иборат бўлди. Хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг касаначилик, томорқа, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қўёнчилик, боғдорчилик каби йўналишларда микробизнеси йўлга қўйиш ва уни юритишдаги муаммолар билан бир қаторда инвестицияни жорий этишда маҳаллий тадбиркор ва фермерлар олдида турган муаммо, сунъий тўсиқ ва ғовлар жойида ўрганилди.

Ана шундай мақсадларнинг муштараклигидан келиб чиқиб, зиммамизга юкланган вазифаларни амалга оширишда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш бўйича Халқ қабулхоналари ҳамда O‘zLiDeP ўртасида ҳамкорликни таклиф қилмоқдамиз.

Бунда тарафлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорлик юритадилар:

вилоятда хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, кенг эркинлик бериш ҳамда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилайди;

тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатади;

тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тўсиқ бўлаётган аниқ муаммолар асосида уларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

вилоят ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу мақсадда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали аниқланган муаммолар юзасидан ахборот алмашади;

O‘zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши вилоятдаги Халқ қабулхоналари аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа (йиллик) ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантиришда ўз таклифларини бериб боради;

тадбиркорлик субъектлари ҳамда партия Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантириш учун, берилган таклиф ва лойиҳалар Президентнинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларига юборади;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган аҳоли пунктлари рўйхати юзасидан партия Сирдарё вилоят Кенгаши ҳамда партиянинг туман ташкилотларига келиб тушган таклифларни Халқ қабулхоналарига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Халқ қабулхоналари мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан халқ депутатлари кенгашлари мажлисида муҳокама қилиш учун ҳар чоракда ахборот киритади ҳамда ушбу ахборот юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитишни ташкил этиш борасида партия депутатлик гуруҳлари билан ўзаро алоқада бўлади;

томонлар келишилган жадвал асосида биргаликда ҳудудларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, оммавий ва сайёр қабуллар ўтказади;

ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишда ўзаро ваколат доирасида ҳамкорлик қилади;

шунингдек, томонлар Конституция, амалдаги қонунчилик, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, O‘zliDeP уставига зид келмайдиган соҳаларда ҳамкорлик юритади.

Ўйлайманки, ушбу ҳамкорлик нафақат жойларда балки, партия ташкилотлари орқали халқ депутатлари кенгашларида, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси орқали Қонунчилик палатасига ҳам кўчади. Бу эса келгусида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, уларни рози қилишнинг энг яқин ва самарали йўли бўлиб қолади.

“XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
ёзиб олди.

8 мартга 8 та велосипед

O‘zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан партиямизнинг “Соғлом оила – мустаҳкам оила” лойиҳаси доирасида Урганч тумани Чаккашоликор қишлоғида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёллар ўртасида югуриш мусобақаси ўказилди. Унда маҳалла хотин-қизлари, 2-, 4-, 12-умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, тадбиркор аёллар иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолининг репродуктив саломатликка доир маданиятини юксалтириш, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилишдан иборатдир.

Марафон олдидан ташкилотчилар бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш борасида қилинаётган ишлар, ишбилармон аёллар эришаётган ютуқларга тўхталишди. Марафонда қатнашиш тартиб-қоидалари, баҳолаш тизими тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Иштирокчилар 8 тоифага бўлиниб, 5-10 синф ўқувчилари, мактаб ўқитувчилари, маҳалла хотин-қизлари ёш тоифаси бўйича 13 ёшдан 17 ёшгача, 25 ёшдан 45 ёшгача ҳамда 45 ёшдан катта аёллар алоҳида беллашдилар. Таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақадан бир кун олдин O‘zLiDeP томонидан ташкил этилган бепул тиббий кўрикда барча иштирокчиларнинг жисмоний ҳолати текширилганди.

– Баҳорнинг илк кунларида, қолаверса, 8 март байрами арафасида ўтказилаётган ушбу мусобақада партиямиз фаоллари ва уй бекалари катта қизиқиш билан қатнашдилар, – дейди “Оқ ариклар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Аминова. – Партия билан ҳамкорликда мунтазам тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб турамиз. Мазкур беллашув аёлларнинг ўз саломатлигини яхшилаши, спортга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади.

Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлагунга қадар спорт байрамига йиғилганлар эътиборига таниқли санъаткор ва ёш ижрочилар, бадиий жамоалар иштирокидаги концерт дастурлари намойиш этилди. Совринли ўринларни эгаллаган 24 нафар қатнашчи O‘zLiDePнинг махсус дипломи, ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Биринчи ўринни қўлга киритиб, велосипед билан мукофотландим, – дейди маҳалла фаоли Камола Йўлдошева. – Оиламизда мунтазам равишда спорт билан шуғулланамиз ва буни барча хотин-қизларга тавсия қиламан. Бугун менга ўхшаган яна етти нафар хотин-қизга велосипед тақдим этилди.

Барча иштирокчилар учун байрам дастурхони ёзилиб, партияга янги қабул қилинган тарафдорларимизга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Мушарраф РАҲИМОВА,
O‘zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши бўлим мудири

“XXI asr” бонг уради

Яқинда таҳририятимизга Жиззах вилояти Бахмал тумани Жиллибулоқ қишлоғида истиқомат қилаётган педагог Абдували Жўриповдан мурожаат келиб тушди. Мактубда баён қилинишича, у 2014 йили Қирғиз давлат жисмоний тарбия ва спорт академиясини “Жисмоний тарбия ва спорт” мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2018 йил 15 ноябрда эса олган ихтисослиги бўйича дипломини нострификация қилиш учун ҳужжат топширган. Бироқ эксперт комиссияси салбий хулоса бериб, ностификациялашни рад этган. Бунга ҳуқуқий асос сифатида “Ўзбекистон Республикасининг мазкур таълим йўналиши бўйича амалдаги давлат таълим стандарти ва ўқув режаларига мос келмаганлиги, ўқув режасида фанлар ҳажми ва соатлар миқдорида 55 фоиздан кўп тафовут мавжудлиги, таълимнинг меъёрий муддати Ўзбекистон Республикасида белгиланган муддатдан бир йил камлиги, бир нечта мутахассислик фанлари мутлақо ўқитилмаганлиги” каби сабаблар кўрсатилган.

Эксперт комиссияси педагогнинг ҳужжатларини пухта ўрганиб чиққанига шубҳа йўқ. Бироқ Абдували Жўрипов бошқа бир тарафдан таажжубини яшира олмаяпти; худди ўзи каби Қирғиз давлат жисмоний тарбия ва спорт академиясини 2011 йили битирган ҳамкасби Дилмурот Тожибоевнинг диплом нострификацияси айни шу комиссия томонидан воқеадан бир кун ўтиб (16.11.2018 йил) ижобий баҳоланган.

Бу ўринда мурожаатга сиртдан кўз ташлаган ҳар бир киши “Ҳойнаҳой, ўз ҳамкасбини кўра олмаяти, ғайирлиги бор экан” қабилидаги гумонга бориши табиий. Аслида ҳам шундаймикан? Жараённинг жилови қай тарафдалигига аниқлик киритиш, воқеликнинг тўкис-тугал сабабларини аниқлаш ниятида мухбиримиз Бахмал туманига бориб, журналистик суриштирув ўтказди.

Сиз азиз муштарий мақолани қуйида ўқийсиз, бироқ олдиндан шуни таъкидлашни истардикки, бир мурожаат сабаб юртимизнинг олис тоғ қишлоғидаги умумтаълим мактабининг бошқа камчиликлари ҳам бўй кўрсатди, хос ибора билан айтганда, дардхалтанинг чоки сўкилиб, муаммолар дувиллаб тўкилди.

Маълум бўлишича, асосий муаммо – педагог кадрлар танқислигида экан! Бир томондан қарасак, четдан кадр жалб қилишга ҳам ҳожат йўқдек, аслида. Маҳаллий кадрлар-ку бор, аммо баъзилари дипломини нострификация қилишолмай ҳалак. Очиғи, ҳатто пойтахтимиздаги мактабларда ҳам шу янғлиғ кўнгилсиз манзара кузатилаётган бир шароитда чекка қишлоқдаги олий маълумотли кадрларнинг ишсиз қолаётгани дилни хижил қилмай қўймайди, албатта.

Умид шулки, мақолада тилга олинган жиҳатларга Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутасаддилари эътибор қаратишади, таълим фидойилари тараф туришади. Зеро, шу жойда халқимизнинг “Юкни ё туянинг ёнига, ё туяни юкнинг олдига элтиш керак” деган топилдиқ нақлини яна бир карра эслаш ўринли.

Диплом бор, иш ўрни ҳам, фақат...

“Ранг кўр – ҳол сўр”

Ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, билимли, касб-ҳунарли, баркамол авлод тарбияси юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Агар таълим тизимидаги бирор ўқув маскани бугунги замон талаблари даражасида эмас экан, бунга унинг чекка ҳудудларда жойлашгани эмас, балки мутасадди шахсларнинг бепарволиги ёки масъулиятсизлиги сабаб, деб бемалол айтиш мумкин.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида айни пайтда 79 та таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда. Шулардан бири ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби бўлса, яна бири “Баркамол авлод” болалар маркази ҳисобланади. Тумандаги таълим соҳасининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – 7 та умумтаълим мактабида ўқув жараёни қирғиз тилида олиб борилади. Мазкур билим масканларида жами 333 нафар педагог 2 325 нафар ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда. Информатика, кимё ва бошқа фанларни ўқитиш учун 9 нафар малакали педагогга эҳтиёж сезиляпти.

Тумандаги қирғиз тилида ўқитиладиган 22-умумтаълим мактабининг бир кунлик фаолияти билан танишиш жараёнида бахмаллик ёш ўқувчилар спорт, санъат, фан ва бошқа соҳаларда сезиларли ютуқларни қўлга киритаётгани, бу муваффақиятларнинг янада кўпайишига эса ечимини кутаётган бир қатор муаммолар тўсқинлик қилаётганига гувоҳ бўлдик.

Мазкур таълим масканида Бахмал тоғлари этагида жойлашган Қорасув, Жиллибулоқ, Оқмула, Қоронғисой қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳолининг 276 нафар фарзанди таҳсил олади. Мактабнинг қўшни қишлоқларда бошланғич синфлар учун мўлжалланган иккита филиали ҳам мавжуд. Мазкур қишлоқлар тоғолди ҳудудида жойлашгани боис қиш кунлари бошқа ҳудудлардан 5-10 даража совуқ, ёз кунлари 5-10 даража салқин бўлиши табиий ҳол. Баҳор бу ерларга вилоятдаги дашт ҳудудларга қараганда 15-20 кун кечроқ ташриф буюради. Шунинг учун мактаб ҳовлисида бу йил анчагина соғинтириб қўйган оппоқ қорни кўриб, хурсанд бўлган эдик. Бироқ мактаб биносига кириб, қалин кийимларда қунишиб, қалтираб ўтирган ўқувчиларни кўриб, хурсандлигимиздан асар ҳам қолмади. Маълум бўлишича, иситиш тизими яхши ишламаслиги сабабли таълим маскани бутун қиш давомида ёлчитиб иситилмаган. Совуқ ҳаво эпкинидан ҳамон эт жунжикадиган бундай синф хоналарида бутун қиш бўйи ўқувчилар қандай қилиб таълим олишган-у, фидойи ўқитувчилар уларга қандай қилиб таълим беришган, ҳайронмиз. Одатдагидек, мактаб кутубхонаси аҳволи билан қизиқамиз. Нурхона дейишга тил айланмайдиган чоғроққина хона.

– Ўқиш, дарс қилиш учун стол-стул, компьютер жиҳозлари умуман йўқ. Ўн дақиқа ўтирган одам албатта касал бўлиши тайин, – деб изоҳ беради кутубхона мудири Абдуғаффор Жўрипов.

Бошқа синф хоналарида ҳам аҳвол кутубхонадан яхши эмас. Адабиёт ўқитувчиси 11-синфларга лаборатория хонасида дарс ўтмоқда. Чунки мактабда 3 та синфхонага стол-стул, доска каби ўқув жиҳозлари етишмас экан.

– Бу ҳақда бир неча марта мутасадди ташкилотларга ёзма равишда мурожаат қилганмиз, – дейди мактаб хўжалик ишлари мудири Ёҳё Абдиев. – Ёрдам қилишга ваъда беришган. Айтишларича, мактабимиз таъмири 2020 йил давлат дастурига киритилганмиш.

– Демак, келгуси қишда ҳам болалар совуқ хоналарда таълим олишадими, деган саволимизга ҳамсуҳбатимиз: “Биз кичкина одаммиз, у ёғини раҳбарлар билади-да”, деб елка қисиб қўя қолди.

Яқиндагина мактаб директори вазифасини бажаришга қиришган Бошман Тожиқуловни суҳбатга тортамиз. “Ҳозир керакли ҳужжатларни тайёрлаяпмиз. Иситиш тизими таъмирига 5 миллион атрофида маблағ керак. Насиб қилса, бу муаммони шу йилдан қолдирмай ҳал қиламиз”, – дейди раҳбар.

Мактаб ўқувчиларига юзланамиз.

– Биз ҳам телевизорда кўрсатилаётган, газеталарда мақтаб ёзилаётган мактаблардагидек шароитда ўқишни хоҳлаймиз, – дейди 11-синф ўқувчиси Умида Яхшибоева. — Бироқ аҳвол кўриб турганингиздек яхшимас. Буниси ҳали ҳолва. Бутун қиш бўйи ишлаб чиқариш таълимида тикувчилик мутахассислигини ўрганиш учун тўрт-беш километр узоқликдаги қўшни мактабга қатнадик. Тўғриси, совуқ кунлари ҳар доим ҳам тўлиқ боролмадик.

– Мен бу йил мактабни тугатиб, тиббиёт академиясига кирмоқчи эдим. Бироқ мактабимизда кимё ўқитувчиси йўқ, – дейди яна бир ўқувчи.

Мутахассис анқонинг уруғи эмасдир

Ёшларга замон талаблари асосида таълим-тарбия бериш учун тўкис шарт-шароитлар билан бирга малакали мутахассисларга ҳам зарурат сезилиши сир эмас. Мазкур мактабда 41 нафар педагог ва ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 35 нафари олий маълумотли, 6 нафари ўрта махсус маълумотга эга.



Кыргыз Республикасы
ДИПЛОМ
№ УВ140006697

Кыргыз Республикасы
ДИПЛОМ
№ CD130015371

– Қирғиз давлат университетининг қирғиз филологияси факультетини тугатганман, дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Акром Қорабеков. – Қайта нострификациядан ўтиб, фаолиятимни давом эттиряпман. Нафақат бизнинг мактабга, балки қирғиз тилидаги қўшни мактабларга ҳам бошланғич таълим, қирғиз тили ва адабиёти, умуман, бошқа йўналишлар бўйича олий маълумотли мутахассислар жуда зарур.

Маълум бўлишича, ён-атрофда яшайдиган кўплаб ёшлар турли соҳалар қатори педагогика йўналишида ҳам қўшни Қирғизистон Республикасида таҳсил олиб қайтишган экан. Бироқ барчаси айни пайтда ўз соҳаси бўйича ишлаш имкониятига эга эмас. Мисол учун, Соҳиба Умарова Қирғиз давлат университетини “Бошланғич таълим методикаси” мутахассислиги бўйича аъло баҳоларга битирган. Университетни тамомлагандан кейин икки йил давомида Бишкек шаҳрида бошланғич синфларга дарс берган. Дипломини нострификация қилиш учун жўнатган ҳужжатлари эксперт комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари ва ўқув режасига мос келмагани *(Ўзбекистон Республикасининг мазкур таълим йўналиши бўйича амалдаги таълим стандарти ва ўқув режасига мос келмаганлиги, ўқув режада фанлар ҳажми ва соатлар миқдорида 55 фоиздан кўп тафовут мавжудлиги, таълимнинг меъёрий муддати Ўзбекистон Республикасида белгиланган муддатдан бир йил камлиги, бир нечта мутахассислик фанлари мутлақо ўқитилмаганлиги)* сабабли нострификацияга тавсия этилмади, деган хулосаси билан қайтиб келган.

– Ўзбекистонда ўқиш муддати 4 йил, Қирғизистонда эса 3,5 йил. Бир йил кам, деган хулоса қаердан келди, 55 фоиз тафовут қаердан келди, тушунмадим, – дейди Умида. – Ахир мен бевосита қирғиз тилида фаолият олиб борадиган мактабларнинг бошланғич таълим методикаси бўйича мутахассисликка ўқиганман-ку! Энди шунча олган билимим, кетказган вақтим ҳавога учадими? Жуда бўлмаса малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курсларига тавсия беришсаям майли эди. Бироқ айнан қирғиз тили ва адабиёти, қирғиз тилида ўқитиладиган мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари учун малака курсларининг ўзи йўқ экан.

Ўқитувчилар малакасини ошириш, таълимга замонавий педтехнологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилаётган бир пайтда бу жиҳат нега назардан четда қолмоқда?

***

Абдували Жўрипов узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилган таниқли педагог Турсунқул Жўриповнинг фарзанди. У ҳам ота касбини давом эттириш мақсадида олдин педагогика касб-ҳунар коллежини тугаллаб, бир йил қадрдон мактабида фаолият олиб борди. 2011 йили Қирғиз давлат жисмоний тарбия академиясида ўқишини давом эттиришга киришди. Ўрта махсус маълумотга эга бўлгани боис қўшни давлат академиясида уч йил сабоқ олиб, олий маълумот эгасига айланганида унинг қанчалик қувонганини тасаввур қилиш мумкин. Лекин эрта севинган экан. Унинг ҳам ҳужжатлари эксперт комиссияси томонидан худди Соҳиба Умаровага берилган жавобга ўхшаб қайтиб келди.

Ажабланарлиси, Қирғизистон давлат жисмоний тарбия ва спорт академиясини 2011 йили битирган Дилмурот Тожибоевнинг ҳужжатлари комиссия томонидан нострификация қилишга рухсат берилганини қандай изоҳлашни билмадик. Билсак, Дилмурот ҳам, Абдували ҳам бир хил фанлардан имтиҳон топширган экан. Бир хил муддатда олий ўқув юртини тамомлашган. Янада аниқроғи, 2014 йили ўқишни тугатган Абдувалининг ўқув соатлари 2011 йил битирувчиси Дилмуротникига қараганда 254 соат кўп.

– Қуда-андали, тўй-маъракаси бир халқмиз. Асрлар давомида қон-қардош бўлиб яшаб келяпмиз. Қирғизлар ўзбекларни “оғам” деса, ўзбеклар қирғизларни “жигарим” деб бағрига босади. Президентимизга минг раҳмат. Мана, чегараларимиз очилиб, қон-қардошларнинг борди-келди қилишига, тадбиркорларимизнинг ҳамкорлигига, санъат ва маданият ходимларининг узвий алоқасига кенг йўл берилмоқда. Ўзбекистонда қирғиз миллатига мансуб аҳолининг ўз она тилида таълим олиши учун катта шарт-шароитлар яратилган. Афсуски, сиз юқорида тилга олган тушунарсиз ҳолатлар ҳам йўқ эмас, – дейди фахрий педагог Турсунқул Жўрипов. – Қўшни қишлоқларда ҳам шу каби ҳолатларга бир неча бор дуч келдим. Республикамиздаги мутасадди ташкилотлар узоқ йиллардан буён кўпчиликни сарсон қилаётган масалага аниқлик киритиб, ечимини топишса, кўп маъқул иш бўларди. Ахир гап келажагимиз бўлган ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбияси ҳақида кетяпти. Таълим-тарбияда эътиборсизлик, қунтсизлик, ёшларимизга етарлича билим беришга имконият бўла туриб, ундан фойдаланмаслик салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Фахрий педагогнинг куюнганича бор. Мазкур муаммолар туман ёки вилоят миқёсида эмас, республика даражасида ечилиши лозим. Чунки нафақат Бахмал туманида, балки бошқа кўплаб туманларимизда ўқиш қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар кўп. Юқоридаги муаммолар уларга таалуқли эмас, дея кафолат бериб бўлмайди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Янги технологиялар

Идентификациялашнинг ягона тизими

“id.gov.uz”да рўйхатдан ўтинг ва уйингизда ўтириб давлат хизматларидан фойдаланинг

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораяпти.

Хусусан, ягона интерактив давлат хизматлари портали – “my.gov.uz” манзилида қарийб 138 турдаги давлат хизматлари кўрсатилаётгани эътиборга молик. Юртдошларимиз, айниқса, болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиниши, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқи берилиши, судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома олиш, электр, ичимлик суви ва газ тармоқларига уланиш, шунингдек, ҳисоблагичларни ечиш ва ўрнатишга ариза жўнатиш билан боғлиқ масалаларда виртуал хизматлардан кўп фойдаланиляпти.

Эътиборлиси, порталда тадбиркорлар учун ҳам катта имкониятлар яратилган. Улар, жумладан, рухсатнома ва лицензиялар олиш, архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатномалар олишга аризалар юборишлари, бундан ташқари, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишлари мумкин. Яъни, эндиликда ишбилармонларнинг турли ташкилотлар офисига ёки давлат хизматлари марказларига боришларига зарурат қолмади, барча ишларни масофадан туриб битириш имкони вужудга келди. Ана шу қулайликдан фойдаланиш учун идентификациялашнинг ягона тизими – “id.gov.uz”да рўйхатдан ўтиш керак. Рўйхатдан ўтиш учун эса ЭРИ (электрон рақамли имзо) талаб қилинади. ЭРИга эга бўлиш учун давлат хизматлари агентлигига шахсан борилади ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинади. Бунда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) тақдим қилинади. Фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг 7 фоизи, тадбиркорлик субъектлари эса 10 фоизи миқдорида пул тўлайдилар. Тўлов амалга оширилгани аниқланганидан кейин электрон рақамли имзо реал вақт режимида мурожаат қилувчи томонидан тақдим этилган ахборот сақловчи қурилмаларга (флешка, чип ва бошқалар) ёзиб берилади.

Электрон имзо орқали идентификациялашнинг ягона тизимидан рўйхатдан ўтиш жараёнида логин ва парол шакллантирилади. Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ушбу логин ва парол воситасида кириб, ортиқча оворагарчиликларсиз, вақт ҳамда маблағ сарфламасдан давлат хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, Президентимизнинг 2019 йил 15 февралдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида”ги қарорида шу йил 1 июндан бошлаб ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этилганда давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар марказлар орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга мурожаат этганда тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланиши баён қилинган.

Мухтасар айтганда, “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили амалга татбиқ этилмоқда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғоя рўёбга чиқмоқда.

Идентификациялашнинг ягона тизими – “id.gov.uz”да рўйхатдан ўтинг ва уйингиздан чиқмасдан давлат хизматларидан фойдаланинг!

Шукуржон УСМОНОВ,
Учкўприк тумани давлат хизматлари марказининг бўлим бошлиғи

Ёш тадбиркор – юртга мададкор

“Самарқандни билмабсиз, дунёга келмабсиз”

Ёш ишбилармон замондошимиз Акобир Ҳамроев ана шу оддий ҳақиқатни исботлашига ишонади

Акобир анча ёш бўлса-да, хаётда ўз ўрнини топиб улгурган, ўзига хам, атрофдагиларга хам нафи тегаётган юртдошимиз. Уч йилдан буён Оқдарё туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган, қарийб 100 гектар майдонни эгаллаган “Асрорхон ҳосилдор боғи” фермер хўжалигини бошқаряпти. Чорвачилик йўналишидаги бизнес-лойиҳалари хам кўнгилдагидек.

Акобир ўсмирлик чоғидан ҳар қандай шароитда ўзига, ўз кучига ишонди. Чунончи, пойтахтимиздаги олий таълим даргоҳида молия-иқтисод соҳаси бўйича таҳсил олган пайтларида тонг саҳарлаб бозорга келиб, савдогарларнинг турли юмушларини бажарар, иш ҳақини олгач, ўқишга кетарди. Бўш вақтларида ўзи ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланарди. Шу тариқа таълим контракт-шартнома пулларини тўлади, кийим-бош, озиқ-овқатга ҳам муҳтожлик сезмади. Институтни битиргач, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича билимларини ошириш учун Хитой, Вьетнам, Германия ва Франциядаги қисқа муддатли курсларда ўқиди.

– Баъзан арзимасдек кўринган воқеалар ҳам киши тақдирида бурилиш ясайди, – дейди у. – Хитойдаги бизнес мактабига ўқишга кетаётганимда ўзим билан қуруқ мевалар ҳам олгандим. Янги йил арафаси бўлгани сабабли ўнга яқин давлатдан ўқиш истагида келганлар биргаликда дастурхон тузадик. Ҳамма ўз юртидан олиб келган ноз-неъматларни ўртага қўйди. Ўзбекистон майизининг мазаси хорижликларни ҳайратга солди. Улар аввалига майиз қандайдир технологиялар асосида қайта ишланган, унга нималардир сингдирилган, деб тусмол қилишди. Мен майизнинг мутлақо табиий маҳсулот эканини тушунтирдим. Чет элликлар “ошиқ” бўлиб қолишди, унинг доимий харидорига айланишди. Ўқиш давомида уйимдагилар ҳар ой ўттиз килогача майиз жўнатиб туришди. Қарийб олти ой пулдан қийналмадим. Қайси давлатга бормай, майизни севиб истеъмол қилишларига гувоҳ бўлдим. Ана шу менинг узумчиликни танлашимга туртки берди...

Оқдарё туманидаги Новали даштидан 100 гектардан ортиқ майдон Акобир Ҳамроевга узумзор учун ажратилди. Кўп йиллар яйлов бўлган бу ерлар ток ўстириш учун жуда боп. Аммо сув йўқ. Турган гапки, оби ҳаёт бўлмаса ҳар қандай ҳаракат бефойда. Тадбиркор ана шу масалада кўп ўйланди, тажрибали мутахассислар билан кенгашди, режалар тузди. Охири артезиан қудуқ кавлатишга қарор қилди. Махсус машиналар, қурилмалар, сув чиқаргичлар келди. Икки ҳафта давомида неча юзлаб метр чуқурликка пўлат қувурлар кириб борди. Бироқ сув чиқмади. Худди шундай йўсинда бошқа жойни ҳам бурғулашди. Яна натижа йўқ. Учинчи уриниш ҳам самара бермади. Сарфланган юз миллионлаб сўм пул, вақт, меҳнат зое кетадиганга ўхшаб қолди. “Бу яланг жойларда сув нима қилади, вақтингни, пулингни ҳавога совуряпсан” дегувчилар кўпайди. Йигит иккиланди. Дилига умидсизлик соя солгандай бўлди. Ишларни вақтинча тўхтатди. Кейин отасининг гапларини эслади. Раҳматли падари “Бир ишни бошладингми, албатта охирига етказ” дея насиҳат қиларди доим.

– Сув чиқараётган ишчиларнинг дам олиш куни эди. Ҳаммаси шаҳарга кетганди, – дея эслайди тадбиркор. – Бурғуловчи машина қўланкасида ўтириб, хаёлга толдим. Сув қидиришни давом эттирсаммикан ё тўхтатсаммикан, деб ўйлардим. Бир пайт уч юз метрча наридаги нишабликда бир гала қушларнинг дон-дун ахтариб юрганига кўзим тушди. Беихтиёр уларни кузата бошладим. Қушлар кўкка парвоз қилишар, кейин яна ўша жойга қўнишарди. Бунда бир синоат, қандайдир ишора бордай туюлди менга. Эртасига ана шу ерни қазий бошладик. Кўп вақт ўтмай ўша жойдан сув чиқди! Ҳаммамиз хурсанд, бир-биримизни табриклашга тушиб кетдик...

Ишлар жонланди. Юз гектардан зиёдроқ ерга узумнинг “Сўғдиёна” ва “Оқдумча” навларидан жами 60 минг дона экилди. Бу навларнинг меваси жуда харидоргир. Айниқса, “Сўғдиёна” ҳосилидан тайёрланган майизлар нақ бош бармоқдай келади, мазаси ҳам ўзгача. Ишбилармоннинг айтишича, жами 2 миллиард сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланган бу улкан боғ 2020 йилдан ҳосилга киради. Узумлар қуритилиб, барча маҳсулот экспортга чиқарилади. Ҳозирда мевани қайта ишлаш ва қадоқлаш учун зарур ускуналар сотиб олиняпти.

Узумзор ишбилармон фаолиятининг бир йўналиши, холос. Тадбиркор 40 бош қорамолдан иборат ферма ҳам ташкил қилган. Сал аввал Россиянинг Саратов областига бориб келди. Фермерлар, зоотехниклар билан учрашди, бу ерда амалда бўлган иш услубларини ўрганди, билимини бойитди. 70 бош зотдор қорамол учун буюртма берди.

– Яқинда Иштихон туман ҳокимига учрашдим, – дейди тадбиркор. – Замонавий логистика маркази ташкил қилиш борасидаги лойиҳам қўллаб-қувватланди. Бизга саккиз гектар ер майдони ажратилди. Лойиҳа сметаларини ишлаб чиқдик. Марказда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маҳсулотлар экспортга чиқарилади. Унинг ишга тушиши одамлар учун айни муддаодир. Чунки ҳовлиларда мевали дарахтларнинг хилма-хилидан бор. Кўп одамлар ўртадаги воситачилардан зарар кўришади. Айримлар эса маҳсулотни кимга сотишни билмайди. Аҳоли мазкур марказга мева-чеваларни топшириб, пулини ҳам ўша заҳоти олиши мумкин. Тўпланган маҳсулотлар шу жойнинг ўзида сараланади, қуритилади ва қадоқланиб, экспорт қилинади. Қишлоқларда яшовчи қариндошларимникига борганимда айни пишиқчиликда олма, ўрик, олхўри, олча каби кўпгина меваларнинг ҳосили тўкилиб, ер билан битта бўлиб ётганига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Лойиҳа амалга ошгач, кўплаб янги иш ўринлари яратилади, уволнинг олди олинади.

Акобир бунёдкорлик, яратувчилик иштиёқи билан яшаяпти. Суҳбатимиз давомида у ўз корхоналарининг офиси жойлашган манзил илгари чиқиндилар ташланадиган жой бўлгани, Қорадарёнинг нариги соҳилидан 1,5 км электр симлари тортиб келгани, импорт ўрнини босувчи дераза пардалари учун карнизлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани, маҳалла аҳолиси учун замонавий мини-футбол майдонини қурганини ҳам тилга олди. Шу сингари ишларни амалга ошириш учун шаҳардаги уйини, автомобилларини сотганини ҳам хўрсиниб эслади.

Ёш, изланувчан ишбилармон эришган ютуқлари билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Янги-янги лойиҳалар устида бош қотиряпти. Жумладан, яқин орада туяқуш боқишни йўлга қўймоқчи. Сунъий ҳавзаларда балиқ кўпайтириш ҳам унинг режаларидан ташқарида эмас!

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқида

“KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” акциядорлик жамияти биносида бўлиб ўтган “Компанияда суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва унда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни” мавзусидаги матбуот анжуманида айни шу ҳақда баёнот берилди.

KAFOLAT
SUG‘URTA KOMPANIYASI AJ

Суғурта хизматлари такомиллашмоқда

– Амалга оширилаётган суғурта қопламаларининг асосий қисми транспорт воситалари эгалари ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш юзасидан келиб тушган суғурта даъволарига тўғри келмоқда, – дейди суғурта даъволарини кўриб чиқиш департаменти бош менежери Наргиза Мамажанова. – Жумладан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 2018 йилда 2 627та суғурта даъволари кўриб чиқилиб, улар бўйича 7,7 миллиард сўмдан ортиқ суғурта қопламалари тўланган.

Компания, шунингдек, аҳоли ва ташкилотларга кенг кўламли суғурта хизматларини республикамизнинг исталган жойида тақдим этиш мақсадида ходимлар сонини оптималлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

– Дастлаб 48 та минтақавий тармоғимиз мавжуд эди. 2018 йилда 23 та янги бўлинма ташкил этилди. Ҳозир уларнинг сони жами 216 тага етган, – дейди **компания бошқаруви раиси Саидолим Насретдинов.** – Ҳозирда жисмоний ва юридик шахсларга ҳар томонлама қулай, паст коэффициентларни ўз ичига олган ва томонлар манфаатларига тўлиқ мос келувчи 100 дан ортиқ мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича хизматлар таклиф этмоқдамиз.

Бундан ташқари, мурожаатларни қабул қиладиган диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган. Марказ операторлари ойига 1 000 дан ортиқ қўнғироқларга жавоб бермоқда.

“SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги **“Kafolat sug‘urta kompaniyasi”нинг “uzA++”** (энг юқори молиявий кўрсаткич) рейтингини тасдиқлаган. Халқаро рейтинг (Fitch ratings) агентлиги компаниянинг молиявий ҳолатини **“B+”** даражасидан **“BB–”**га оширгани эса келгусида халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтиришга имкон яратиши шубҳасиз.

Анжуманда компания таъсисчилигида ўтган йилнинг 24 апрелида ташкил этилган “My assist” масъулияти чекланган жамияти ҳақида алоҳида тўхталинди. Мазкур ташкилот тиббий (тиббий консультациялар, амбулатор ва стационар ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, суғурта билан боғлиқ ҳолат содир бўлган жойга чиқиш ва зарур ҳолларда тез ёрдам ва бошқа тиббий хизматларни ташкиллаштириш), техник (ЙТҲ содир бўлганда воқеа жойига чиқиш, ҳолатни ўрганиш, зарар миқдорини аниқлаш, шикастланган автотранспортни таъмирловчи устахона (автосервис)гача етказиб бериш) ҳамда юридик ассистанс хизматларини кўрсатади. Қолаверса, “Ихтиёрий тиббий суғурта” бўйича амбулатор поликлиник хизмат, шошилинч тиббий ёрдам, дори-дармон билан таъминлаш, стационар даволаниш, гриппга қарши эмлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш, дори-дармонни мижозга етказиб бериш каби хизматлар ҳам қамраб олинади.

Тадбир давомида ҳаётни бевосита суғурталаш билан шуғулланувчи “Kafolat Hayot” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Мазкур хизматнинг асосий тури – ҳаётни узоқ муддатга суғурта қилишдир. Аҳамиятли жиҳати, суғурта қилдирувчилар нафақат солиқ имтиёзларидан манфаатдор бўлади, балки муддат тугаганда тўпланган пул маблағини ҳисобланган бонус билан қайтариб ҳам олади. “Kafolat Hayot” суғурта компанияси 367 кундан 20 йилгача бўлган муддатга 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқароларга хизмат кўрсатади. Ушбу фаолият тури суғурта мукофотларини суғурталанувчига қулай усулда қабул қилиш, суғурта қопламасини рента усулида тўлаш имконияти мавжудлиги билан бошқа хизматлардан фарқланади.

Яна шуни алоҳида эътироф этиш керакки, компания ходимлари суғурта йўналишида етакчи бўлган мамлакатлар – Япония, Германия, Буюк Британия каби давлатларда малака ошириб келишяпти. Қўшни Қозоғистон, Россия, Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган халқаро форум, анжуман, бизнес учрашувларда иштирок этиб, юздан ортиқ суғурта ташкилотлари билан алоқалар ўрнатилди. Буюк Британия, Польша, Панама, Жанубий Корея, Ҳиндистон, БАА ва Россия суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Қувонарли янгилик шуки, Буюк Британия пойтахти – Лондонда жойлашган “International Underwriting Association of London” (IUA)вакиллари билан олиб борилган музокаралар натижасида “KAFOLAT sug’urta kompaniyasi” AJ Ўзбекистон суғурта компаниялари ичида биринчи бўлиб ушбу Халқаро ассоциациянинг аъзолари сафига киришга эришди.

Матбуот анжумани давомида бот-бот таъкидланганидек, компаниянинг бош мақсади – мижозлар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ ва сифатли бажариш, бу орқали ижтимоий йўналтирилган иқтмуносабатлар такомиллашувига исодиётимизга муносиб ҳисса қўшишдир.

Муҳаммаджон ХЎЖАЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

UNG Shurtan GKM

“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти

корхона ҳисобида бўлган енгил, юк, махсус ҳамда йўловчи ва хавфли юкларни ташишга мўлжалланган автомобилларнинг техник ҳолатини диагностика қилиш (текшириш) учун очиқ танлов ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати – 10 кун.

Маълумотлар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

№	Қисқача мазмуни	Техник кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Сони
1	Автомобилларнинг техник ҳолатини диагностика қилиш (текшириш)	Юк кўтариш қобилияти 15 тоннагача ва ўриндиқлар сони 7 гача бўлган АТВ	дона	53
2	Автомобилларнинг техник ҳолатини диагностика қилиш (текшириш)	Ўриндиқлар сони 7 дан 12 гача ва юк кўтариш қобилияти 15 тоннадан 35 тоннагача бўлган АТВ	дона	30
3	Автомобилларнинг техник ҳолатини диагностика қилиш (текшириш)	Ўриндиқлар сони 12 дан 19 гача ва юк кўтариш қобилияти 8 тоннадан 35 тоннагача бўлган АТВ	дона	71
4	Автомобилларнинг техник ҳолатини диагностика қилиш (текшириш)	Ўриндиқлар сони 19 дан ортиқ ва юк кўтариш қобилияти 8 тоннадан ортиқ бўлган АТВ	дона	24
5	Техник идентификация	АТВ га ўрнатилган газ баллонлар учун идентификация рақамлари мувофиқлиги далолатномаси олиш	дона	210

Буюртмачи мажбурияти:
Кўрсатилган хизмат учун шартнома нархининг 15% суммасини олдиндан тўлаб беради.

Бажарувчи мажбурияти:
зарурий ҳужжатларни шартнома тузиш жараёнигача тақдим қилади; бажарилган хизмат ишлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабига мос келиши шарт.

Манзил: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан қўрғони.
инд: 180300;
Тел/факс/ 375 552-40-16, 552-46-55,
www.sgcc.uz/ trn@sgcc.uz

Хизматлар лицензияланган.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

оила ва жамият устуни,
ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган мунис
опа-сингилларимизни

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

муносабати билан қизғин табриклайди. Бу қутлуғ айёмда сизларга энг самимий, эзгу тилакларимизни изҳор этишдан бениҳоя мамнунмиз. Кейинги йилларда жамиятимизда хотин-қизларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб қадрланмоқда.
Албатта, улар орасида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг фаол, ишбилармон, тадбиркор, фермер ва депутат аёлларининг борлиги бизга юксак фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади. Ушбу қутлуғ кунда барча аёлларимизга, хусусан, O'zLiDeP тизимида фаолият юритиб келаётган хотин-қизларимизга оилавий хотиржамлик, хонадонларига тинчлик, файзу барака, касб-корларига улкан зафарлар тилаймиз.

AGROBANK

Агробанк баҳор байрамлари муносабати билан янги муддатли омонат турини таклиф этади!

"Баҳор – 2019"

миллий валютадаги омонати:

Муддати – 13 ой

– Фоиз ставкаси йиллик – 21 фоизгача;
– Минимал талаб – 1 000 000 сўм.

Шошилинг, омонатга маблағлар жорий йилнинг 31 март кунига қадар қабул қилинади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг:
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
www.agrobank.uz
тел.(+99871) 203 88 88
Хизматлар лицензияланган.

MUBORAKNEFTGAZ MNG

"МУБОРАКНЕФТГАЗ"

масъулияти чекланган жамияти

муҳтарама онахонлар,
меҳрибон опа-сингиллар ва дилбар қизларимизни табиат тобора чирой очиб бораётган айни яшариш онларида баҳор айёмининг илк байрами билан самимий муборакбод этади.
Гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилага файзу тароват берадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, эъзозласак арзийди.
Хонадонларимиз фариштаси, ҳаётимиз чароғбони бўлиб юринг, азиз аёллар!

Хизматлар лицензияланган.

"МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ"

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Мўътабар ва мукаррама аёлларимиз – онахону лобар опа-сингилларимиз ҳамда латофатли қизларимизни

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами

билан муборакбод этади!

Она табиат тобора чирой очаётган, баҳор нашидаси кезаётган айни шу фусункор лаҳзаларда барчангизга шоду хуррамлик, кўтаринки кайфият ва албатта ҳусн-малоҳатда тенгсизлик тилаймиз.

Юзингиздан нур, лабингиздан ҳамиша табассум аримасин, азиз опа-сингиллар!



Хизматлар лицензияланган.

UNG Shurtan GKM

"Шўртан Газ Кимё мажмуаси"

масъулияти чекланган жамияти

меҳридарё онахону опа-сингилларимиз ҳамда муниса аёлларимизни

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

билан қизғин қутлайди.

Аслида юрт тинчлиги, фарзандларининг камоли, ўзининг соғлиғи ва оила хотиржамлиги, яқинларининг соғ-саломат бўлиши аёл учун энг катта бахт ҳисобланади.

Биз ҳар кунингиз ана шундай бахтли ва байрамона бўлишини чин дилдан тилаймиз! Сизларни баҳорий гўзаллик ва латофат ҳеч қачон тарк этмасин!

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган

"ELITE STROY ENDUSTRY"

масъулияти чекланган жамияти

бунёдкорлик билан шуғулланаётган сиз азиз юртдошларимизга Россия ва Хитой технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини таклиф этади:

- Темир-бетон маҳсулотлари;
- 3 хил турдаги пишиқ ғишт;
- Пойдевор блоки.

Манзил: Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Янгиқишлоқ ҚФЙ

Телефон: (93) 227 00 20; (91) 554 60 51

Маҳсулотлар сертификатланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XASI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норкобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАЙТОВ, Адҳам ШОДМОНОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Виктор ПАК, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Насимжон АЛИМОВ, Сирожиддин САЙЙИД, Аслиддин АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Котибият – 71 281-40-17 Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда **0009**-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: **Г – 358** Тираж: **5045**
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – Топширилди – **00:50**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12345

Навбатчи муҳаррирлар: Беҳзод ИСРОИЛОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.